

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУРАДИМОВА АЛЬФИЯ РАШИДОВНА

**ҚОН ТОМИР ДЕМЕНЦИЯ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОТРОФИК ОМИЛЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мурадинова Альфия Рашидовна

Қон томир деменция патогенезининг

клиник-нейротрофик омиллари..... 3

Мурадинова Альфия Рашидовна

Клинико-нейротрофические факторы

патогенеза сосудистой деменции..... 27

Muradimova Alfiya Rashidovna

Clinic-neurotrophic factors in the

pathogenesis of vascular dementia..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУРАДИМОВА АЛЬФИЯ РАШИДОВНА

**ҚОН ТОМИР ДЕМЕНЦИЯ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-
НЕЙРОТРОФИК ОМИЛЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1091 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Дурдона Джурабаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мирджураев Элбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляар касалликлар тарқалиш даражаси ортиши билан бош миядаги гемодинамик бузилишлар масаласи борган сари кўпроқ эътиборни тортмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...деменция - бу одатда сурункали ва/ёки прогрессив синдром бўлиб, унда когнитив фаолият одатдаги қарилқдан кўра кўпроқ даражада пасаяди, бу эса фаол кундалик ҳаётни сақлашга халақит беради. Ва касалланиш кўрсаткичи 2050 йилга бориб 131,5 миллион беморга кўпайиши кутилмоқда»¹. Қон томир деменция (ҚТД) - бу пато-морфофизиологик ва клиник-патогенетик синдромлар мажмуасидан ташкил топган деменциянинг бир тури, ундаги когнитив нуқсонларни пайдо бўлиши бош мия қон томирлари бузилишлари билан боғлиқ. Касалликнинг эрта скрининг қилиниши, уни даволашнинг адекват тактикасини ўз вақтида белгилаш, ногиронлик ҳолатларини камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қон томир деменцияни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҚТДни сурункали бош мия ишемиясининг компенсация ва субкомпенсация давриларида эрта аниқлаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, клиник-неврологик хусусиятини баҳолаш ва даволаш усулларига инновацион ва патогенетик жиҳатдан қиёсий ёндашиш билан фармакотерапиясини такомиллаштириш, ҳамда беморларда ногиронликни ривожланишини олдини олишга ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. ҚТДнинг қон томир хавф омил турига қараб, эрта ташхислаш ва қиёсий даво чора-тадбирларини такомиллаштириш, ногиронлик ривожланиш эҳтимолини олдиндан баҳолаш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар билан бир қаторда цереброваскуляар патологиялар ва улардаги қон томир деменция каби асоратларини ривожланишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. «...Касалликларни олдини олиш ва ташхислаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам курсатиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида аҳоли орасида бош мия қон томир касалликлар ривожланишининг хавф омилларини барвақт аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга, шунингдек, аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлигини таъминлашга, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтиришга, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ WHO. Информационный бюллетень ВОЗ. Выпуск 95, номер 11, ноябрь 2017; 95:734-735, 729-792. doi: <http://dx.doi.org/10.2471/BLT.17.021117>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қон томир деменция хасталиги билан боғлиқ муаммолар устида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Когнитив дисфункцияларининг патогенезида ўтказилган бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, сурункали бош мия ишемиядаги эндотелиал дисфункцияси, доимий артериал гипертензия, томирларнинг атеросклеротик шикастланиши, фолий кислотаси, В₁₂ ва Д витаминларни етишмовчилиги кузатилганлиги аниқланган (Белова Ю.А., 2014). Қон томир деменция касаллигининг патогенезида ликворда холинестераза, ацетилхолин ва мия тўқимасида холин-ацетилтрансфераза камайишини экспериментал клиник тадқиқотларда исботланган (Дамулин И.В., 2010). Қон томир деменциянинг ривожланиш патогенези ва клиник зўрайишига нейротрофинлар оиласининг чуқур даражада таъсирини мавжудлиги ўрганилган ва исботланган. Синаптик узатишни индукция қилиш омили сифатида маълумотларни эслаб қолиш ва сақлаш жараёнларида BDNF нейротрофик оксиленинг роли аниқланган (Shih P.C., 2013). Миянинг синаптик пластиклиги ва нейронал функциясини таъминлашда BDNF-мия нейротрофик омили асосий ўриндалиги аниқланган (Kim G., 2013). Қон томир деменцияни даволашда холинергик гуруҳдаги дорилардан фойдаланиш бўйича ишлар халқаро рандомизацияланган плацебо назоратли тадқиқотларда батафсил олиб борилган, ва, шу билан бирга уларни когнитив функцияларни яхшилашда самарадорлиги ва узок муддат фойдаланишида хавфсизлиги қайд этилган (Парфенов В.А., 2013).

Ҳозирги кунда ҚТДнинг учрашиш фоизи тобора купайиб бориши ва унинг самарали ташхислаш чоралари йўқлиги замонавий неврологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўзбек популяциясида қон томир деменциянинг эрта аниқлаш, ривожланиш босқичларида чуқур нейровизуализацион, ультратовушли доплерографик, қон зардобидеги мия (BDNF) ва цилиар (CNTF) нейротрофик омилларни миқдорий таҳлилини ўтказиш, ҳамда ногиронлик каби асоратларининг аниқ ривожланиш фоизларини баҳолаш, касалликни эрта босқичларида унинг ривожланишини орқага

қайтаришга имконият яратувчи дифференциалланган даволаш ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 01.15.00156 рақамли «Мигреннинг асоратли формалари, МНС ОИВ инфекцияси, ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, деменциянинг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиохимик, нейровизуалогик хусусиятларини ўрганиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2015–2020).

Тадқиқотнинг мақсади қон томир деменция билан хасталанган беморларда холинергик терапия динамикасида клиник, неврологик, когнитив ҳолати ва қон зардобидаги BDNF, CNTF нейротрофик омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қон томир деменция (ҚТД) билан хасталанган беморларда клиник ва неврологик статусни стандарт усуллар, Хачинский шкаласи ва Бартел индекси ёрдамида баҳолаш;

ҚТД билан хасталанган беморларда Мини-Ког тести, МоСА ва ACE-R шкалалари, Шульте тест жадваллари ёрдамида когнитив функцияни ва унинг зарарланиш даражасини аниқлаш;

ҚТД билан хасталанган беморларнинг қон зардобида коагулограмма, липид спектр, BDNF мия нейротрофик омилли ва CNTF цилиар нейротрофик омил миқдорини ўрганиш билан қон параметрларининг лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

ҚТДнинг қон томир ривожланиш хавф омиллига қараб, ҳар хил шакллари билан хасталанган беморларда нейровизуализацион кўринишларини қиёсий таққослаш;

ҚТД билан хасталанган беморларда брахиоцефал томирларнинг дуплекс сканерлаш орқали қон томирларнинг ҳолатини баҳолаш ва мавжуд бўлган стеноз даражасининг деменция даражасига боғлиқ ролини таҳлил этиш;

холинергик терапия динамикасида ҚТД билан хасталанган беморларда когнитив бузилиш даражаси ва қон зардобидаги BDNF ва CNTF нейротрофик омиллар миқдори ўртасидаги корреляцион таҳлилни ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2021 йилларда Фарғона вилоят асаб-психиатрия диспансери, Қува тумани ва Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаларида даволанган 51 ёшдан 86 ёшгача бўлган 102 нафар бемор ва назорат гуруҳига 20 нафар соғлом киши олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон зардобиди, неврологик статусни комплекс текшируви, нейровизуализацион, доплерографик, лаборатор усул натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейропсихологик, инструментал, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор атеросклероз ва артериал гипертензия генезли қон томир деменция билан хасталанган беморларда деменция ривожланиш даражаси аниқланган;

қон томир деменция билан хасталанган беморларда бош мия тузилишининг нейровизуализацион тасвири билан деменция даражаси орасида ўзаро тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

қон томир деменция билан хасталанган беморларда қон оқимининг бузилиш кўрсаткичлари ва брахиоцефал томирларнинг стеноз даражалари билан деменция даражасининг орасида тўғри мутаносиблик аниқланган;

илк бор қон томир деменциянинг диагностикаси ва прогнозида қон зардобидида нейротрофик омилларнинг мия (BDNF) тури ортиши ва цилиар (CNTF) тури пасайиши аниқланган;

гипертензия фонидида ривожланган қон томир деменциянинг даволаш тактикаси холинергик терапия комбинацияси билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҚТД билан хасталанган беморларда касаллик ривожланишига сабаб бўлган қон томир хавф омилининг турли эканлиги туфайли ўтказилган клиник, гемодинамик, нейровизуализацион ва лаборатор текширувлар кўрсаткичларини ташхислаш мобайнида қиёсий баҳолаш таклиф этилган;

ҳам стационар, ҳам амбулатор шароитларда ишлатилиши мумкин бўлган қон зардобидидаги нейротрофик оқсилларни ўрганиш ёрдамида турли хил қон томир хавф омиллар фонидида ривожланган ҚТДни оғирлик даражасини эрта аниқлаш ва ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

гипертензия ва/йуқ атеросклероз фонидида ривожланган ҚТД билан хасталанган беморларни даволаш ва олдини олишда энг самарали усулларида бири холина альфосцерат билан даволаш самарали эканлиги аниқланган;

хотира бузилиши билан шикоят қилиб келган беморларга ҚТДни эрта ташхислаш ва хавф омилларига қараб, қиёсий ташхислаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган, ҳамда даволаш тактикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий тадқиқот усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган материал сонининг етарлилиги, клиник, неврологик, психологик тест, инструментал, лаборатор ва статистик усулларга асосланганлиги, барча маълумотлар натижалари замонавий компьютер технологиясини қўллаб статистик ишлов берилганлиги, чиқарилган хулоса, ҳамда уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҚТД билан хасталанган беморларда касалликни қон томир хавф омилининг турига кўра қиёсий ташхислаш мақсадида қон зардобидида мия (BDNF) ва цилиар (CNTF) нейротрофик омилларини аниқлаш билан замонавий лаборатор диагностик имкониятлари ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҚТД мавжуд беморларда замонавий диагностик ва даволаш усуллари ишлаб чиқилиб, беморларнинг бирламчи текширув режасига қон зардобидида мия (BDNF) ва цилиар (CNTF) нейротрофик омилларини аниқлаш усулини киргизиш йўли билан ҚТД

диагностикаси оптималлаштирилди ва даволаш стандартига холинергик терапияни тавсия қилиш йўли билан даволаш комплексини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қон томир деменциянинг эрта скрининг қилиш ва терапия самарадорлигини мониторинг қилишга қаратилган янги усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қон томир деменциянинг диагностика ва даволаш самарадорлигини мониторинглаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Нейротрофинлар-қон томир деменциянинг диагностик маркерлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-д/36–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қон томир деменцияни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини мониторинглаш имконини берган;

қон томир деменциянинг даволаш самарадорлигини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Қон томир деменция: терапияга инновацион ёндашув" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-д/36–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қон томир деменцияни даволашда қиёсий ёндашув даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

қон томир деменция билан хасталанган беморларни эрта ташхислашни оптималлаштириш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Қува туманининг 2-сонли кўп тармоқли поликлиникаси невропатологлари, психо-невропатологлари ва терапевтлари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 декабрдаги 08-09/18980–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши қон томир деменцияни барвақт ташхислаш, дифференциал ёндашув асосида даволаш самарадорлигини ошириш, касаллик авж олишини олдини олиш, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 3та ЭХМ дастурлаш учун олинган гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қон томир деменция хасталигининг диагностикасининг замонавий концепциялари (адабиётлар шархи)**» номли биринчи бобида қон томир деменцияси бўлган беморларни эрта ташхислаш ва патогенетик даволаш ва бу муаммонинг долзарб жиҳатлари келтирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш, ушбу масалани ҳал қилиш вазифаларини аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг «**Клиник тадқиқотининг материаллари ва усуллари**» номли иккинчи бобида клиник материаллар, ишлатилган тадқиқот усуллари тавсифланган.

Тадқиқот материалларни асосий гуруҳга кирган 102 (83,6%) нафар қон томир деменцияси билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳини ташкил этган 20 (16,4%) нафар нисбий соғлом, неврологик касалланмаган шахслар ташкил этди. Тадқиқотлар 2018 йилдан 2021 йилгача Фарғона вилояти психоневрологик диспансер, Марғилон шаҳар ва Қува туман тиббиёт бирлашмаларининг психоневрологик бўлим ва кабинетларида ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги беморлар ривожланиш генезига кўра икки гуруҳга бўлинди: атеросклероз ва артериал гипертензия фонидида ривожланган қон томир деменцияли беморлар (I гуруҳ, 50 (41%) нафар бемор); ва артериал гипертензиясиз фақат атеросклероз фонидида ривожланган қон томир деменцияли беморлар (II гуруҳ, 52 (42,6%) нафар бемор).

Асосий гуруҳларда ўрганилган шахсларнинг жинси тақсимооти куйидагиларни кўрсатди: I гуруҳда: эркеклар - 20 (40%), аёллар - 30 (60%); II гуруҳда: эркеклар - 24 (46%), аёллар - 28 (54%).

Ўрганилаётган субъектларнинг ёши 51 ёшдан 86 ёшгача (ўртача ёши $70 \pm 1,3$ ёш) ташкил этди.

Асосий гуруҳда қон томир деменциянинг касалланиш давомийлиги алоҳида ўрганилган. У 1 йилдан 13 йилгача кузатилган, яъни: 1-3 йил - I гуруҳда 9 (18%) ва II гуруҳ 6 (11,5%) беморларда; 4-6 йил - 15 (30%) I гуруҳ ва 12 (23,1%) II гуруҳ беморларида; 7-9 йил - 18 (36%) I гуруҳ ва 23 (44,2%) II гуруҳ беморларида; 10 ва ундан кўп йиллар - 8 (16%) I гуруҳ ва 11 (21,2%) II гуруҳ беморларида. Шу билан бирга, гуруҳларни алоҳида батафсил ўрганилганда, ҳар икки гуруҳда ҳам касалланишнинг максимал давомийлиги 7-9 йил оралиғида ташкил этди, ва касалликнинг 1 йилдан 3 йилгача давомийлиги I гуруҳдаги беморларда кўпроқ аниқланди, бу эса артериал гипертензия когнитив соҳага кўпроқ агрессив таъсирни кўрсатишини тасдиқлайди.

Барча субъектларда клиник неврологик (Хачинский шкаласи, Бартел индекси, стандарт тадқиқот), нейропсихометрик (когнитив соҳани ўрганиш мақсадида Мини-Ког тестлари, Шулт жадвали, МоСА ва АСЕ-R шкалалари), инструментал (миянинг МРТ, брахиоцефал томирларнинг ултратовуш текшируви) ва лаборатория (мунтазам ва ўзига хос: коагулограмма, липид спектр, BDNF ва CNTF нейротрофик оқсилларини ўрганиш) текширувлар ўтказилган. Олинган тадқиқот натижаларни ишланган статистик усуллари келтирилган.


Диссертациянинг «Қон томир деменцияси бўлган беморларда клиник, нейропсихометрик ва параклиник тадқиқотлар усуллари натижалари» номли учинчи бобида назорат гуруҳи ва қон томир деменцияси бўлган беморлар гуруҳининг клиник-неврологик, нейропсихологик ва параклиник текширувлари натижалари келтирилган.

Клиник белгиларни ўрганаётганда Хачинскийнинг ўзгартирилган ишемик шкаласи бўйича қон томир деменция ташхиси қўйилган беморлар 8 дан 14 баллгача, ўртача $10,0 \pm 0,2$ баллга эга бўлишди.

Қон томир деменцияси билан хасталанган беморларнинг ҳаёт фаолиятидаги бузилишларни аниқлашда Бартелнинг кундалик ҳаёт фаоллиги индексидан фойдаланилди, бунда асосий гуруҳидаги беморлар ўртача 50дан (чуқур қарамлик) 90гача (ўртача қарамлик), ўртача $68,6 \pm 1,9$ балл тўпладилар.


Ўрганилган назорат гуруҳидаги шахсларда субъектив ва объектив симптоматикалар ўрганилганда, ҳеч қандай патология аниқланмаган.

Субъектив шикоятлар фақат атеросклероз фонида ривожланган қон томир деменция билан оғриган беморларга (II гуруҳ) нисбатан атеросклероз ва АГ фонида ривожланган қон томир деменция билан оғриган беморларда (I гуруҳ) анча кўп бўлганлиги аниқланган (1-расм).



1-расм. Ўрганилаётган гуруҳларнинг субъектив статусини қиёсий баҳолаш

Асосий гуруҳида неврологик ҳолатни ўрганаётганда I гуруҳидаги қон томир деменция билан хасталанган беморларда II гуруҳга нисбатан юқори даражадаги неврологик нуқсон борлиги қайд этилган (2-расм).



2-расм. Ўрганилаётган гуруҳларнинг неврологик ҳолатини қиёсий таҳлили

Қон томир деменцияли беморларда когнитив соҳани баҳолаш. Қон томир деменциянинг бошланғич скрининги учун биз Мини - Ког тестидан фойдаландик, унда субъектлар куйидаги балларни тўпладилар: назорат гуруҳи - 5 балл, бу уларни когнитив жиҳатдан соғломлигини тасдиқлайди, асосий гуруҳ - $2,58 \pm 0,05$ балл, бу уларнинг деменция ташхисини тасдиқлайди.

Тадқиқот қилинаётган беморларда деменция аниқлангандан сўнг, биз МоСА ва АСЕ-R каби нейропсихологик тестлар, шунингдек, маълумотни қайта ишлаш тезлигини аниқлаш учун Шульте жадвал техникаси ёрдамида когнитив соҳани батафсил ўрганишга ўтдик. Синов натижалари шуни кўрсатдики, атеросклеротик ва гипертензив генезли қон томир деменция билан хасталанган барча беморлар МоСА шкаласи бўйича $19 \pm 0,2$ балл, АСЕ-R шкаласи бўйича - $73 \pm 0,25$ балл, Шульте жадвалига кўра - $64,6 \pm 0,6''$ тўпладилар; назорат гуруҳда эса когнитив соҳада ҳеч қандай бузилиш кузатилмади: МоСА - $28,5 \pm 0,2$ балл, АСЕ-R - $99 \pm 0,3$ балл, «Шульте» - $36,3 \pm 1,0''$ (1-жадвал).

1-жадвал

Даволанишдан олдин ўрганилаётган шахсларнинг когнитив функциясининг кўрсаткичлари, n=122

Шкала (балл; сек)	Mini-Cog [M _{ср} , Q1, Q3]	MoCA [M _{ср} , Q1, Q3]	АСЕ-R [M _{ср} , Q1, Q3]	Шульте [M _{ср} , Q1, Q3]
Гуруҳ				
Назорат	5	$28,5 \pm 0,2 [27;30]$	$99 \pm 0,3 [95;100]$	$36,3 \pm 1,0 [28;45]$
Асосий	$2,58 \pm 0,05 [2;3]$	$19 \pm 0,2 [16;21]$	$73 \pm 0,25 [69;76]$	$64,6 \pm 0,6 [55;71]$

Изоҳ: M_{ўр}, - ўртача балл, Q1 - пастки кватил, Q3 - юқори кватил.

Даволашдан олдин гуруҳларни ёши бўйича МоСА шкаласини қийматларни таққослаганда, фақат атеросклерозли қон томир деменцияси мавжуд беморларга (I гуруҳ) нисбатан атеросклероз ва артериал гипертензия генезли қон томир деменция билан оғриган беморларда (II гуруҳ) статистик жиҳатдан юқори когнитив танқислиги 70-79 ёшда ($p < 0,0001$) кузатилган. Аксинча, паст когнитив

нуқсон статистик жиҳатдан атеросклероз билан касалланган, аммо анамнезида артериал гипертензия бўлмаган қон томир деменцияли беморларда (I гуруҳ) II гуруҳ беморларга нисбатан 50-59 ёшида кузатилган ($p < 0,05$).

АСЕ-R шкаласини беморларнинг ёш тоифаларига қараб гуруҳларда таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккала гуруҳнинг ўрганилганда 50-59 ва 60-69 ёш тоифаларига нисбатан 70-79 ва 80-89 ёш тоифаларида когнитив танқислиги статистик жиҳатдан паст натижаларни кўрсатди ($p < 0,0001$).

"Шулте жадвали" усули ёрдамида қон томир деменция билан барча беморларда эътиборни жамлаш қобилияти, маълумотни қайта ишлаш тезлиги ва сенсомотор реакцияларни ўрганаётганда, маълумотларни тушуниш тезлигининг пасайиши аниқланди (55~71"). Статистик жиҳатдан муҳим фарқлар қуйидагича намоён бўлди: I гуруҳда маълумот тушуниш тезлигининг курсаткичи II гуруҳга қараганда статистик жиҳатдан катта қийматга эга ($p < 0,05$), бу I гуруҳдаги беморларда ахборотни қайта ишлаш тезлиги ва сенсомотор реакцияларнинг энг ёмон натижаларини кўрсатади. Текширув натижаларини ҳар бир гуруҳ ва ҳар иккала гуруҳ учун ёш тоифаси бўйича таҳлил қилганда, кекса ёшдаги беморларда 50-59 ёшли гуруҳларга нисбатан кўрсаткичлар статистик жиҳатдан паст бўлган ($p < 0,001$).

Икала нейропсихологик тест натижалари шуни кўрсатдики, ўрта даражали деменция - атеросклероз ва артериал гипертензия генезли қон томир деменция билан оғриган беморлар гуруҳида (I гуруҳ) ($p < 0,05$), енгил даражали деменция эса - фақат атеросклероз фонида ривожланган қон томир деменция билан оғриган беморлар гуруҳида (II гуруҳ) ($p < 0,05$) кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳлардаги когнитив соҳанинг умумий кўриниши

Гуруҳ		I гуруҳ (ҚТД АС+АГ фонида), n=50		II гуруҳ (ҚТД АС фонида), n=52		Асосий гуруҳдаги барчаси, n=102	
Тест		МоСА	АСЕ-R	МоСА	АСЕ-R	МоСА	АСЕ-R
Оғирлик даражаси							
Енгил даражали деменция	Абс. (%)	28 (56)	25 (50)	35(67*)	33 (63)	63 (62 ⁺)	58 (57 ⁺)
	балл, Мўрр (Q1;Q3)	19,6±0,1 (19;21)	74±0,07 (73;76)	20±0,1 (19;22)	75±0,09 (73;76)	19,8±0,1 (19;22)	75±0,08 (73;76)
Ўрта даражали деменция	Абс. (%)	22 (44*)	25 (50)	17 (33)	19 (37)	39 (38)	44 (43)
	балл, Мўрр (Q1;Q3)	17,0±0,2 (16;18)	70±0,11 (69;72)	17,7±0,1 (17;18)	72±0,04 (71;72)	17,3±0,1 (16;18)	71±0,08 (69;72)

Изоҳ: * - гуруҳлар бўйича деменциянинг оғирлик даражаси ўртасидаги аҳамият; + - барча субъектларнинг деменция оғирлик даражаси ўртасидаги аҳамият (фарқлар аҳамиятли * (+) - $p < 0,05$); Мўрр - ўртача балл, Q1 - пастки кватил, Q3 - юқори кватил.

Қон томир деменцияли беморларда нейровизуализацион кўрсаткичларни ўрганиш натижалари. МРТ натижаларининг маълумотлари 3-жадвалда келтирилган. Гуруҳларни таққослаганда, фарқлар борлиги аниқланди: II гуруҳ беморларга нисбатан I гуруҳ беморларда бош мия тўқимасининг оқ моддасини зарарланиши анча жадаллашганлиги кузатилган ($p < 0,05$) (3 а, б-расм) (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда Фазекас шкаласи бўйича бош мия МРТ тасвирининг таҳлили

Фазекас шкаласи (даражалари)	I гуруҳ (ҚТД АС+АГ фониди), n=50		II гуруҳ (ҚТД АС фониди), n=52		Барчаси, n=102	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс	%
0 даража (ЛА йўқ)	6	12,0	10	19,0	16	15,7
I даража (енгил ЛА – нуктали ўчоқлар)	6	12,0	12	23,0	18	17,6
II даража (ўрта ЛА – бирлашишга мойил ўчоқлар)	19	38,0*	17	33,0	36	35,3
III даража (оғир ЛА – тўла бирлашган ўчоқлар)	19	38,0*	13	25,0	32	31,4

Изоҳ: * - гуруҳлар бўйича деменциянинг зўравонлиги ўртасидаги фарқ (* - $p < 0,05$)



3а-расм. Бемор А.М., 1958 й., 02.07.2020. Миянинг кортикал соха диффуз атрофияси, тривентрикуляр вентрикуломегалия. Фазекас 2



3б-расм. Бемор К., 1965 й. Иккала ён қоринчаларнинг орқа шохининг фронтотемпоро-париетал сохаларидаги лейкоареоз белгилари. Фазекас 3.

Ўрганилган гуруҳларда субкортикал ва перивентрикуляр лейкоареоз частотасининг деменциянинг оғирлигига қараб корреляцион таҳлил фарқларни кўрсатди: қон томир деменцияли гуруҳ беморларнинг енгил даражадагиларда, ўртача даражадагиларга қараганда, лейкоареоз босқичлари анча паст кўрсаткичларга эга ($p < 0,05$).


Қон томир деменцияли беморларда брахиоцефал томирларни дуплекс сканерлаш натижалари. БЦ қон томирларни деформациясининг турини ва латерализациясини ўрганиш жараёнида С- ва S-шаклидаги деформациялар УУА ва ТУАга нисбатан ҳар икки томоннинг ИУАда сезиларли даражада кўпроқ кузатилганлиги аниқланди ($p < 0,01$). Шу билан бирга, ИУА нинг С шаклидаги деформация статистик жиҳатдан чап томонлама ($p < 0,001$) ва S-шаклидаги деформация эса – ўнг ($p < 0,001$) томонлама кўпроқ аниқланди. БЦ қон томирларни деформациясини ўрганаётганда, S-шаклидаги деформация I гуруҳ беморларда (анамнезида атеросклероз ва артериал гипертония мавжуд қон томир деменция

билан оғриган беморлар) сезиларли даражада кўпроқ кузатилганлиги ва С-шаклдаги деформация эса ҳар икки гуруҳда ҳам бир хил учраганлиги аниқланган. Барча деформациялар гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли деб қайд этилган.

Зарарланган қон томир тури ва унинг иккала гуруҳдаги стеноз даражасига қараб гуруҳлардаги кўрсаткичларни таҳлил қилганда сезиларли фарқлар аниқланди: шикастланиш белгилари сезиларли даражада, ТУАга нисбатан, ИУА ва УУАда кўпроқ кузатилганлиги қайд этилди ($p < 0,001$). Қон томир стенози мавжуд беморлар сони ва уларнинг ёш тоифаси ҳақидаги қиёсий маълумотлари таҳлил қилинганда, ўрганилган ҳар бир ёш гуруҳида стеноз статистик жиҳатдан кўпроқ ИУАда учраши аниқланди ($p < 0,05$). Қон томир стенозининг фоизи ёш гуруҳига қараб статистик фарқларни кўрсатмади.

Лаборатор параметрларнинг натижалари ва таҳлили. Мунтазам ва биокимёвий қон таҳлилларини таҳлил қилишда параллел соматик ва юқумли касалликлар йўқлиги аниқ бўлди.

4-расмда коагулограмма спектрини таҳлил қилиш натижалари диапазони кўрсатилган, унга кўра, энг ёмон натижалар анамнезида атеросклероз ва артериал гипертония мавжуд беморларда кузатилган деган хулосага келиш мумкин, бу эса ташхиснинг қон ивиш тизими кўрсаткичлари билан патогенетик параллели мавжудлигини исботлайди.



4-расм. Ҳар бир ўрганилган гуруҳларнинг коагулограмма таҳлиллар натижалари диапазони қиёсий тасвири

Коагулограмма кўрсаткичларини беморларнинг ёши билан қиёсий таҳлили қилинганда 80 ёшдан юқори бўлган беморларда 50-59 ва 60-69 ёшдаги беморларга қараганда коагулограмманинг барча кўрсаткичлари статистик жиҳатдан ёмонроқлиги ($p < 0,001$), 70-79 ёшли гуруҳ беморлари билан таққослаганда эса: ПТВ, ПТИ, МНО ва фибриноген даражаси статистик жиҳатдан ёмонроқлиги ($p < 0,001$), АЧТВ даражаси эса нисбатан ёмонроқлиги ($p < 0,05$) қайд этилди.

Тадқиқот қилинаётган субъектларда липид спектрининг таҳлилини баҳолашда натижалар меъёрий кўрсаткичлардан фарқ қилди: меъёрдан ортган:

умумий холестерин - $6,6 \pm 0,3$ ммол/л; ЖПЗЛП - $1,1 \pm 0,08$ ммол/л; ПЗЛП - $4,5 \pm 0,1$ ммол/л; триглицеридлар - $2,3 \pm 0,25$ ммол/л ва атероген индекси - $5,7 \pm 0,1$; меъёрдан камайган: ЮЗЛП - $1,0 \pm 0,01$ ммол/л. Липид спектр кўрсаткичларини шундай мейёрдан четга чиқиш, таъхиснинг атеросклероз ва артериал гипертензия билан сабабий боғлиқлигини тасдиқлайди (4-жадвал).

Липид спектр натижаларини гуруҳларда қиёсий таҳлил қилганда қуйдаги натижалар олинди: АС ва АГ фонида ривожланган қон томир деменцияли I гуруҳ беморларда УХ, ЖПЗЛП, ПЗЛП, ТГ ($p < 0,001$) ва ЮЗЛП, АИ ($p < 0,05$) кўрсаткичларида фақат АС фонида ривожланган қон томир деменцияли II гуруҳ беморларга нисбатан статистик фарқлар мавжудлиги аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Асосий гуруҳ шахсларининг липид спектрини таҳлили, $M \pm m$

Контингент	I гуруҳ (ҚТД АС+АГ фонида), n=50	II гуруҳ (ҚТД АС фонида), n=52	Асосий гуруҳдаги барчаси, n=102
Кўрсаткичлар (норма)			
УХ ($0,5-5,2$ ммол/л)	$7,0 \pm 0,1^{***}$	$6,1 \pm 0,1$	$6,6 \pm 0,3$
ЖПЗЛП ($0,16-0,85$ ммол/л)	$1,2 \pm 0,03^{***}$	$1,0 \pm 0,03$	$1,1 \pm 0,08$
ПЗЛП ($2,5-4,1$ ммол/л)	$4,8 \pm 0,1^{***}$	$4,3 \pm 0,1$	$4,5 \pm 0,1$
ЮЗЛП ($>1,42$ -эркак; $>1,68$ -аёл ммол/л)	$1,1 \pm 0,02^*$	$1,0 \pm 0,02$	$1,0 \pm 0,01$
ТГ ($0,3-1,5$ -эркак; $0,4-1,8$ -аёл ммол/л)	$2,7 \pm 0,1^{***}$	$1,9 \pm 0,05$	$2,3 \pm 0,25$
ИА (2-3-манфий, 3-4-ўртача, 4-8-юқори)	$6,0 \pm 0,2^*$	$5,4 \pm 0,16$	$5,7 \pm 0,1$

Изоҳ: * - гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларнинг ахамияти (фарқлар ахамиятли: * - $p < 0,05$, *** - $p < 0,001$).

Тадқиқот қилинаётган субъектларнинг ёшига қараб липид спектрининг кўрсаткичлари турли эди. Жумладан, 60-59 ёшли гуруҳ беморларда 50-59 ёшли гуруҳ беморларига нисбатан УХ, ПЗЛП ва АИ $p < 0,001$ бўйича, ЮЗЛП $p < 0,01$ бўйича статистик жиҳатдан фарқланди; ЖПЗЛП ва ТГ индекслари эса статистик фарқ қилмаган. 50-59 ва 70-79 ёш тоифалардаги беморларнинг кўрсаткичларини таққослаганда, УХ, ПЗЛП, ЮЗЛП ва ИА $p < 0,001$ да, ЖПЗЛП ва ТГ кўрсаткичлари $p < 0,01$ да статистик жиҳатдан ишончлилиги билан фарқ қилиши аниқланди. 50-59 ва 80-89 ёшли беморларнинг липидлар спектрини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, барча спектр кўрсаткичлари бир хил даражада статистик фарқ қилди ($p < 0,001$), ТГ даражаси бундан мустасно ($p < 0,01$).

Шунингдек, тадқиқот гуруҳларида деменция даражаси ва липид профилининг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди. МоСА ва АСЕ-R таҳлиллари бўйича корреляция йўналишлари шуни кўрсатадики, УХ, ЖПЗЛП, ПЗЛП, ТГ ва АИ даражасининг ошиши когнитив нуқсоннинг ошишига ва деменция даражасини зўрайишига олиб келади. ЮЗЛП ортиши билан, аксинча, беморнинг когнитив ҳолатини яхшилади. Ҳамда, ўртача даражали деменция билан оғриган беморларда энгил даражали деменция мавжуд беморларга нисбатан липид спектрдаги ЖПЗЛП, ПЗЛП, АИ ($p < 0,001$) ва УХ, ТГ ($p < 0,01$) статистик юқори миқдорда борлигини қайд этилди.

Мия нейротрофик омилининг (BDNF) ва цилиар нейротрофик омилининг (CNTF) қон зардобдаги миқдорини ўрганиш тадқиқотдаги

контингентдан 54 (44%) кишида (10 (18,6%) – назорат гуруҳдан ва ҳар бир асосий гуруҳдан 22 (40,7 %) бемордан) ўтказилди.

54 кишининг қон зардобида BDNF ва CNTF нейротрофик омилларини ўрганиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди: асосий гуруҳда BDNFнинг миқдорий таркиби $1323,3 \pm 21,4$ [1203-1407] pg/ml, CNTF - $91,7 \pm 6,1$ [69,5-126,5] pg/ml; асосий гуруҳда: BDNF $146,6 \pm 5,5$ [83,1-204,25] pg/ml, CNTF- $350,0 \pm 5,2$ [300,1-438,21] pg/ml ни ташкил этди, шу билан бирга улар ўзаро кучли тескари корреляцияга эга эди ($r = (-0,09)$; $p < 0,05$).

Қон томир хавф омиллари гуруҳлари бўйича BDNF ва CNTF нейротрофик омиллар даражасини солиштирганда статистик фарқлар аниқланди. 5-жадвалдан кўришиб турибдики, BDNF мия нейротрофин даражаси I гуруҳдаги АС ва АГ фониди ривожланган қон томир деменцияли беморларда ($125,7 \pm 6,2$ [83,09-189,11] pg/ml) II гуруҳ фақат АС фониди ривожланган қон томир деменцияли шахсларга ($161,7 \pm 7,7$ [83,07-204,25] pg/ml, $p < 0,01$) ва асосий гуруҳнинг шахсларга ($1323,3 \pm 21,4$ [1203-1407] pg/ml, $p < 0,001$) қараганда статистик жиҳатдан паст бўлган. Цилиар нейротрофин CNTF даражаси эса, аксинча, I гуруҳдаги АС ва АГ фониди ривожланган қон томир деменцияли беморларда ($371,4 \pm 8,1$ [322,65-447,61] pg/ml) II гуруҳ шахсларга ($340,2 \pm 6,5$ [300,05-400,03] pg/ml, $p < 0,05$) ва асосий гуруҳнинг шахсларга ($91,7 \pm 6,1$ [69,5-126,5] pg/ml, $p < 0,001$) қараганда анча юқори натижаларга эга эди (5-жадвал).

5-жадвал


Гуруҳлар бўйича BDNF ва CNTF нейротрофик омилларнинг кўрсаткичлари, n=54

Контингент Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ, n=10	Асосий гуруҳ	
		I гуруҳ (ҚТД АС+АГ фониди), n=22	II гуруҳ (ҚТД АС фониди), n=22
BDNF, pg/ml (M±m, Q1, Q3)	$1323,3 \pm 21,4$ [1203;1407]	$131,4 \pm 6,4$ [83,09; 189,11]***++	$161,7 \pm 7,7$ [83,07; 204,25]***
CNTF, pg/ml (M±m, Q1, Q3)	$91,7 \pm 6,1$ [69,5-126,5]	$359,8 \pm 7,6$ [311,45; 438,21]***+	$340,2 \pm 6,5$ [300,05; 400,03]***

Изоҳ: + - назорат ва асосий гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларнинг ахамияти (***) - $p < 0,01$),
+ - гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларнинг ахамияти (+ - $p < 0,05$, ++ - $p < 0,01$); M±m - ўртача қиймат,
Q1 - пастки кватил, Q3 - юқори кватил.

Барча асосий гуруҳ беморлар орасида нейротрофик омилларнинг миқдорий таркибини ёш тоифалари бўйича таққослаш таҳлили шуни кўрсатадики, BDNF даражаси 50-59 ёшдаги 60-69 ёшли ($p < 0,01$), 70-79 ёшли ($p < 0,001$) ва 80-89 ёшли ($p < 0,001$) одамларга қараганда статистик жиҳатдан анча юқори бўлган. Аксинча, CNTF даражаси 50-59 ёшли 60-69 ёш ($p < 0,01$), 70-79 ёш ($p < 0,001$) ва 80-89 ёш ($p < 0,001$) гуруҳларига нисбатан статистик жиҳатдан анча паст бўлганлиги аниқланган.

Беморларнинг ёши ва қондаги нейротрофинлар даражаси билан қилинган корреляцион баҳоланиши шуни кўрсатдики, ҳар икки гуруҳда ҳам ўзаро мутаносиблик мавжуд: тескари - BDNF миқдорий даражаси билан, ва тўғри - CNTF миқдорий даражаси билан (5-расм).



5-расм. Нейротрофинлар даражаси ва асосий гуруҳ беморларнинг ёши ўртасидаги корреляцион баҳолаши

Нейропсихометрик маълумотлар билан нейротрофинлар даражасини корреляцион таҳлил қилиш. Мия ва цилиар нейротрофик омиллар нейропсихометрик тестлар билан корреляцион боғлиқ.

Асосий гуруҳидаги беморларда МоСА тести бўйича когнитив ҳолатни BDNF мия нейротрофик омили билан корреляциясини таҳлил қилганда, улар ўртасида тўғри кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=0,74$, $p<0,01$).

Цилиар нейрокин CNTF даражаси МоСА тестнинг кўрсаткичи билан кучли тескари корреляцияни кўрсатди ($r=(-0,69)$; $p<0,01$).

ACE-R шкаласи бўйича беморларнинг ментал соҳасини нейротрофинларнинг билан корреляцияси кўрилганда боғланишлар МоСА тести билан бир хиллигини кўрсатган: BDNF билан - тўғри корреляцион боғлиқлик ($r=0,84$, $p<0,01$), CNTF билан - тескари корреляцион боғлиқлик ($r=(-0,86)$; $p<0,01$).

Шу билан бирга, нейротрофинларнинг Мини-Ког тести ва Шульте тест-жадвали билан ҳам ўзаро боғлиқ мавжудлиги ўрганилди. Мини - Ког тести BDNF билан ижобий ($r=0,72$, $p<0,01$) ва CNTF билан тескари ($r=(-0,78)$; $p<0,01$) корреляция қилинган. Шульте тест-жадвали бўйича маълумотни қайта ишлаш тезлиги CNTF билан - тўғри ($r=0,77$; $p<0,01$), BDNF билан тескари ($r=(-0,65)$, $p<0,01$) боғлиқликларни кўрсатди.

Диссертациянинг «Холинергик терапия динамикасида қон томир деменцияси бўлган беморларда клиник ва неврологик маълумотлар ва нейротрофинлар натижалари» тўртинчи бобида қон томир деменцияси бўлган беморларнинг даволаш динамикасидаги клиник ва неврологик, нейропсихологик ва лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Илмий ишнинг дизайнига кўра, ўрганилган асосий гуруҳларининг ҳар бир гуруҳи терапияга қараб, яна икки кичик гуруҳга бўлинган: I гуруҳ анамнезида атеросклероз ва АГ мавжуд қон томир деменция билан оғриган беморлар: I.1 кичик гуруҳи - 24 (23,5%) бемор, улар базис терапия олишган; I.2 кичик гуруҳи - 26 (25,5%) бемор, улар базис терапия фонидида схема бўйича холин алфосцерат

олган; II гуруҳ атеросклероз фониди, лекин анамнезда гипертония бўлмаган қон томир деменция билан оғриган беморлар: II.1 кичик гуруҳи - 27 (26,5%) бемор, фақат базис терапия олган; II.2 кичик гуруҳи - 25 (24,5%) бемор, базис терапия фониди схема бўйича холин алфосцерат олган.

Ўрганилган гуруҳларнинг базис терапияси, қон томир хавф омилига қараб, антилипидемик, антиагрегант ва/ёки антигипертензив дорилар комплексида нейропротектив дорилар билан стандарт протокол бўйича ўтказилди. Холинергик терапия холин алфосцерат дори воситани схема бўйича тайёрлаш билан амалга оширилди: дастлабки 10 кун ичида - 8 мл (2 г) холин алфосцерат 0,9% - 100,0 мл натрий хлор билан суюлтирилади, вена ичига, кейинги 3 ой ичида - кунига 3 марта 1 капсуладан (400 мг) per os.

Даволаш динамикасида клиник-неврологик кўрсаткичлари таҳлили. Ҳар бир гуруҳнинг субъектив аломатларидаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили алоҳида ўтказилди. I гуруҳдаги атеросклероз ва АГ фониди қон томир деменция билан оғриган беморлар орасида ижобий терапевтик динамика, фақат базис терапия олган I.1 кичик гуруҳга қараганда, базис терапия фониди холин алфосцерат олган I.2 кичик гуруҳида яхшироқ қайд этилган.

II гуруҳдаги фақат атеросклероз фониди қон томир деменция билан оғриган беморлар орасида ҳам ижобий терапевтик динамика, фақат базис терапия олган II.1 кичик гуруҳга қараганда, базис терапия фониди холин алфосцерат қабул қилган I.2 кичик гуруҳида қайд этилган (6-жадвал).

6-жадвал

Гуруҳларнинг даволаш динамикасидаги субъектив белгиларнинг қиёсий баҳоланиши

Симптом, (абс.)	I гуруҳ (КТД АС+АГ фониди), n=50				II гуруҳ (КТД АС фониди), n=52			
	I.1		I.2		II.2		II.2	
	Даволаш- дан олдин	Даволаш- дан кейин	Даволаш- дан олдин	Даволаш- дан кейин	Даволаш- дан олдин	Даволаш- дан кейин	Даволаш- дан олдин	Даволаш- дан кейин
цефалгия	22	16	20	9*+	22	15	17	9*
вертиго	10	10	8	3*+	7	7	8	5*
гиннитус	12	11	8	3*+	9	8	9	5*
кайфият пасайиши	20	15	20	9*+	22	18	17	11*
харакат координацияси бузилиши	9	8	15	7*+	10	9	10	9*
диссомния	16	9	23	14*+	22	19	20	12*
хотира бузилиши	24	20	26	18*+	27	7	25	19*
деуринация координацияси бузилиши	6	5	10	6*+	8	23	6	3*

Изоҳ: * - ҳар бир кичик гуруҳнинг даволашдан олдинги қийматлар билан солиштирганда ахамиятнинг ишончлилиги, + - бир хил даволаш гуруҳларининг кичик гуруҳлари орасидаги даволашдан олдинги қийматларга нисбатан ишончилигининг ахамияти (* + - p<0,05).

Даволаниш вақтида ўрганилган беморлар гуруҳидаги неврологик ҳолатни холис ўрганиш натижасида, кичик гуруҳ турига ва бажарилган даволаниш турига қараб, неврологик дефицитнинг у ёки бу даражада пасайиши аниқланди.

АС ва АГ фонида ривожланган қон томир деменцияли I гуруҳ беморларнинг неврологик ҳолатининг динамикасини қиёсий таҳлили ўтказилди. Бунда даволашнинг ижобий динамикасини базис терапия фонида Холина альфосцерат олган II.2 кичик гуруҳи, фақат базис терапияда бўлган I.1 кичик гуруҳига нисбатан, статистик жиҳатдан яхши натижа кўрсатди (7-жадвал).

7-жадвал

I гуруҳ беморларининг даволаш фонида неврологик ҳолатининг динамикаси

симптоматика	Гуруҳ	I гуруҳ – ҚТД АС+АГ фонида, n=50			
		I.1 кичик гуруҳи, n=24 (БТ), абс (%)		I.2 кичик гуруҳи, n=26 (БТ+ХА), абс (%)	
		даволашдан олдин	даволашдан кейин	даволашдан олдин	даволашдан кейин
енгил пирамид етишмовчилик		18 (75%)	17 (71%)	21 (81%)	15 (58%)*+
орал автоматизм рефлекси		10 (42%)	10 (42%)	8 (31%)	5 (19%)*+
Россолимо патологик рефлекси		20 (83%)	20 (83%)	21 (81%)	15 (58%)*+
Бабинский патологик рефлекси		15 (63%)	14 (58%)	15 (58%)	11 (42%)*+
БМН VII ва XII жуфтларининг марказий фалажи		15 (63%)	14 (58%)	22 (85%)	16 (62%)*+
конвергенция фалажи		7 (29%)	6 (25%)	10 (38%)	7 (27%)*+
юриш бузилиши		13 (54%)	11 (46%)	22 (85%)	16 (62%)*+
марказий сийдик тутолмаслик		8 (33%)	6 (25%)	11 (42%)	6 (23%)*+

Изоҳ: * - ҳар бир кичик гуруҳнинг ишончлилигининг даволашдан олдинги қийматлар билан солиштириганда ахамияти, + - даволашдан олдинги қийматларга нисбатан бир хил даволаш гуруҳларининг кичик гуруҳлари орасидаги ишончлилигининг ахамияти (* + - p<0,05).

Атеросклероз фонида ривожланган қон томир деменцияли II гуруҳ беморлар гуруҳининг неврологик симптомларининг динамикадаги қиёсий таҳлили терапевтик ижобий динамикани II.2 кичик гуруҳ (базис терапия фонида Холина альфосцерат дори воситани олган) I.1 кичик гуруҳига (фақат базис терапияда бўлганлар) нисбатан статистик жиҳатдан юқори кўрсатди (8-жадвал).

